



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING F A R M O Y I SH I

2021 года «4» августа

18-14-0-F/21

Хокимият города Ташкент

Маблағ ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 июндаги “2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4749-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси мажлиси тўғрисида”ги 01-07/1-1680-сонли йиғилиш баёни ижросини таъминлаш мақсадида, шунингдек, Ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий масалалар бўйича ўринбосарининг мурожаатини инобатга олиб,

1. Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари (Х.Шакиров), Молия бош бошқармаси (Л.Исматуллаев):

2021/2022 ўқув йили учун кириш имтиҳонларини ўтказишни ташкил этиш учун Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг захира жамғармаси ҳисобидан 69,0 млн (олтмиш тўққиз миллион) сўм Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасига ажратилсин.

2. Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси (Л.Исматуллаев):

2021 йил Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига тегишли ўзгартириш киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Тошкент шаҳри бўйича Ғазначилик бошқармаси (М.Зарипов):

ажратилган маблағни ўрнатилган тартибда молиялаштирилиши таъминлансин.

4. Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси (К.Хасанов):

ажратилган маблағларни ўрнатилган тартибда ва мақсадли сарфланиши таъминлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Тошкент шаҳридаги Давлат молиявий назорати бошқармаси (Ш.Яриев):

ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши назорат қилинсин.

6. Мазкур фармойиш ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари Х.Шакиров ва Д.Рахимова зиммаларига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими



ARTIKXODJAYEV J. A.